

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ФТИЗИТАРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

БОЗОРОВ ШУХРАТ ИСТАМОВИЧ

**БЕЛ ВА БЕЛ-ДУМҒАЗА УМУРТҚАЛАРИ СИЛИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШДА ОЛДИНГИ ЭКСТРАПЕРИТОНЕАЛ КИРИШ
ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Бозоров Шухрат Истамович

Бел ва бел-думғаза умуртқалари силини хирургик даволашда олдинги
экстраперитонеал кириш йўллари тақомиллаштириш..... 3

Бозоров Шухрат Истамович

Усовершенствование передних экстраперитониальных доступов при
хирургическом лечении туберкулёза поясничного и пояснично-
крестцового отделов позвоночника..... 25

Bozorov Shuhrat Istamovich

Improvement of anterior extraperitoneal approaches in surgical treatment of
tuberculosis of the lumbar and lumbosacral spine..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ВИЛОЯТ ФТИЗИТАРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

БОЗОРОВ ШУХРАТ ИСТАМОВИЧ

**БЕЛ ВА БЕЛ-ДУМҒАЗА УМУРТҚАЛАРИ СИЛИНИ ХИРУРГИК
ДАВОЛАШДА ОЛДИНГИ ЭКСТРАПЕРИТОНЕАЛ КИРИШ
ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2298 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усмонов Исомиддин Ҳайдарович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мухамедов Козим Собитович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Шатурсунов Шаҳайдар Шаалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия
ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт
маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ кунини соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
илмий семинари раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Умуртқа погонасининг сили оғир ногиронликка олиб келувчи касалликлар жумласидан хисоблади. Кўплаб муаллифларнинг фикрича, суяк-бўғим силининг замонавий шароитдаги клиник кечиши ўзига хос бўлиб, 44,7% гача ҳолатга учрайди, ташхиснинг ўлимдан кейин қўйилиши 0,9% гача ошгани қайд қилинган. Ҳозирги вақтда ЖССТ нинг берган маълумотига кўра, «... жаҳон бўйича 36,7 миллион кишидан ортиқ ОИВ юқтирган беморлар аниқланган бўлиб, уларда сил касаллигининг юқтириш хавфи бошқа одамларга нисбатан 20-37 баробарга юқори...»¹. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, сил касаллиги ОИТС босқинчида ривожланади ва кўп ҳолларда силдан зарарланиш ўпкадан ташқари аъзоларда учрайди, асосан генерализацияга учраган перцистирланган лимфаденопатия кўришида намоён бўлади ва самарали даво услубларини топиш клиник фтизиатрия соҳасида ишловчи олимларга долзарб муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда жарроҳлик даволаш усулларининг самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сил касаллигига олиб келадиган эндоген ва экзоген омиллар, сил спондилитининг клиник кечишидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, бел ва бел-думғаза умуртқалари сили билан оғриган беморларда олдинги спондилодезлашда замонавий жарроҳлик услубларининг қўлланилиши, кўрилаётган чоратадбирларнинг беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва меҳнатга лаёқатлилигини имкон қадар тезроқ тиклашга, шунингдек, сил спондилитидан кейин кузатиладиган оғир ногиронлик даражасини пасайтиришга алоҳида аҳамият касб этади.

Айни пайтда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини такомиллаштиришга, жумладан, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш, сил касаллигини даволашга ва олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аҳоли ўртасида сил касаллигини эрта ташхислаш ва касалланиш кўрсаткичларини камайтириш бўйича фаол профилактика ишлари олиб борилмоқда, даволаш натижаларини ҳамда сифатини ошириш бўйича мос бўлган зарур вазифалар белгиланди: «...мамлакатимиз аҳолиси орасида тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, сифати ҳамда қулайлигини ошириш, шунингдек, стандарт бўлган тиббиёт тизимини жорий этиш, юқори технологияли диагностика ва даволашнинг услубларни тадбиқ этиш, патронаж хизматлари ва самарали диспансеризация моделини ташкил қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларнинг олдини олиш...»².

¹ Global AIDS Update, UNAIDS, 2016. (Объединенная Программа Организации Объединенных Наций по ВИЧ/СПИДу).

² Указ Президента РУз № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 07 декабря 2018.

Силни эрта аниқлаш, замонавий сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш, жарроҳлик даволашнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда замонавий технологияларни такомиллаштириш борасида ҳам илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019-йил 13-февралдаги ПҚ-4191-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган фтизиатрия-пульмонологик ёрдамни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларининг доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умуртқа поғонаси бел ва бел-думғаза соҳасининг силени жарроҳлик йўли билан даволаш ҳанузгача ҳам мураккаб муаммо бўлиб, асосан радикал реконструктив жарроҳлик усулларини танлаш билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда олд-ёнбош кириш орқали радикал тикловчи амалиётлар (РТА) қўлланилади, бу кўпинча кутилмаган асоратларга олиб келади. РТАни амалга оширишда кўпинча мушакларнинг шикастланиши, қон йўқотиш, шунингдек, косметик нуқсон пайдо бўлиши мумкин.

РТА умуртқа поғонасининг специфик ва носпецифик яллиғланиш жараёнларини даволашнинг асосий усули ҳисобланади. Пре- ва паравертебрал абсцессларни бир вақтнинг ўзида радикал санация қилиш, бел-думғаза умуртқаларнинг деструкция бўлган таналарини тиклаш ва кенгайтирилган олдинги соҳадаги томирларни визуал назорат қилиш зарурати қорин бўшлиғи аортасига экстраперитонеал киришни қўллаш ғоясини келтириб чиқарди. 1964 йилда Чарлз Робб томонидан таклиф қилинган ушбу соҳада умуртқа поғонасига кириш учун қон томир жарроҳлиги соҳасида қўлланилди. Томирларни мобилизация қилгандан сўнг, деярли барча бел ва 1,2 сакрал умуртқаларнинг олд ва латерал қисмларида манипуляция қилиш имконияти очилади. Пастки бел ва сакрал умуртқаларнинг оғир деструктив жараёнлари бўлган беморларда операция Робб услубида кириш, қон томирларини тўғридан-тўғри аъло даражада визуализация қилиш билан биргаликда кенгайтирилган амлиётни яъни умуртқаларнинг деструкцияга учраган катта ҳажмдаги қисмини тўлиқ радикал реконструкция қилиш амлиётини амалга оширишга имкон беради,

бу нафақат хавфни камайтиради, балки оператция вақтида уларга зарар етказиш, балки бундай асорат юзага келганда уни бартараф этишни ҳам осонлаштиради (Беляков М.В., Куклин Д.В., Дорофеев Л.А. ва бошқалар, 2014; Усмонов И.Х., Бозоров Ш.И., 2021; Ражасекаран С., 2013).

Шундай қилиб, умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза соҳаси сил касаллигини жарроҳлик усулида даволашда замонавий услубдарнинг қўлланилишининг самарадорлиги юқори. Шу билан бирга, умуртқаларда сил касаллигининг фаол жараёни шароитида, шунингдек, пара-, пре- ва эпидурал абсцесслар мавжуд бўлганда, олдинги параректал ва кўндаланг биспинал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда олдинги ёндашувлар имкониятлари етарлича ўрганилмаган, бу эса тадқиқотларни давом эттиришни талаб қилади. Олдинги кесимларнинг қўлланилиши жарроҳлик амалиёти ўтказилган сегментнинг барқарор фиксациясини, мини-травматик ҳолатни, беморларни эрта фаоллаштириш ва ногиронлик даражасини пасайтириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 PhD 142) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ 2022-2026 йиллар учун «Covid-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади бел ва бел-думғаза умуртқалари силлини хирургик даволашда олдинги экстраперитонеал кириш йўллари тақомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза соҳаси сил жараёнлари бўлган беморларда радикал реконструктив амалиётларда анъанавий-классик олд-ёнбош жарроҳлик усулларининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

бел ва бел-думғаза умуртқаларининг сил спондилитида реконструктив-тикловчи амалиётларда олдинги параректал экстраперитонеал кириш услубларини тақомиллаштириш;

умуртқа поғонасининг бел-думғаза сили билан оғриган беморларда реконструктив-тикловчи амалиётларни бажаришда олдинги пастки кўндаланг экстраперитонеал кириш услубларини тақомиллаштириш;

олдинги экстраперитонеал кириш услубларини қўллаш ҳамда шу тоифадаги беморларда жарроҳлик аралашувлардан кейинги реабилитация чоралари қўллаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2020-йилларда Бухоро вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказига даволанган умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза соҳаси сил касаллиги ташхиси қўйилган 192 нафар бемор иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бел ва бел – думғаза умуртқаларида сил жараёни билан касалланган умуртқа таналари, уларга давонинг самарадорлигини яхшилаш учун бажарилган олдинги параректал ва

кўндаланг-биспинар экстраперитонеал кесимли ёндошувли радикал – тикловчи амалиётлар, ҳамда уларнинг самарасини баҳолаш учун ўтказилган умумий клиник, нур диагностика услублари: рентгенография, рентгенография, МРТ ва МСКТ олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қуйидаги тадқиқот ва таҳлилий усуллардан фойдаланилган: клиник, инструментал, бактериологик, шунингдек, олинган натижаларни асослашнинг статистик усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бел ва бел-думғаза умуртқаларидаги сил жараёнларини жарроҳлик усулида даволашда анъанавий-классик услубдаги радикал тикловчи амалиётларни қўллагандаги кузатиладиган асоратларнинг келиб чиқиш сабаблари исботланган;

бел VL3-5 ва бел-думғаза VL5-VS1,2 умуртқаси сили билан оғриган беморларда радикал тикловчи амалиётлар ўтказишда олдинги экстраперитонеал параректал кесимли жарроҳлик амалиётларининг юқори самарадорлиги исботланган;

бел-думғаза VL5-VS1,2 умуртқаси силида олдинги экстраперитонеал кўндаланг биспинар кесимли радикал тикловчи жарроҳлик амалиётларининг юқори самарадорлиги исботланган;

олдинги экстраперитонеал кесимли радикал тикловчи жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар учун тиббий-психологик реабилитация чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олдинги параректал ва кўндаланг биспинар кесимли ёндашувлардан фойдаланиши бел ва бел-думғаза умуртқаларининг сил касаллиги билан оғриган беморларда РТА самарадорлигининг ошириши исботланган;

қорин олд девори мушаклари, катта ва кичик бел мушаклари, нерв ва қон томирларининг шикастланиши операциядан кейинги кечиккан оғриқларга, пастки муччалар заифлигига ва неврологик етишмовчиликларга олиб келиши исботланган;

Олдинги кесимли ёндашувлар бел мушаклари ва нерв илдизларини зарарламасдан, умуртқа поғонаси олд юзасидаги патологик жараённи аниқлашга, абссесонекректомияни, соғлом тўқималаргача умуртқа танаси резекциясини амалга оширишга, орқа мия ва унинг нерв илдизларини декомпрессиялашни таъминлашга, етарли даражада спондилодезлаш имкониятини бериши исботланган;

тавсия этилган реабилитация тадбирлари комплекс даволаш самарадорлигини оширди, ногиронлик даражасини пасайтиришга эришилди, бунинг натижасида юқори иқтисодий ва тиббий самарадорликни, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни ижтимоий реабилитация қилишни таъминлайди;

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш беморларнинг касалхонада бўлган вақтини ўртача 20 кунга қисқартиришини кўрсатди (касалхонада бўлишнинг 1 куни ўртача 14 доллар * 20 кун = 280 доллар, Республикада 300 га яқин бундай операциялар амалга оширилади, мос равишда, ётоқ

кунларининг қисқариши давлатга йилига $280 \cdot 300 = 84$ минг доллар ёки тахминан 850 миллион сўмни тежаш имконини беради).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда услубий жиҳатдан тўғри назарий ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлик, беморларнинг етарли сони, қўлланилган ретроспектив, проспектив, объектив клиник, биокимёвий, бактериологик, инструментал, аналитик ва статистик тадқиқот усуллари билан изоҳланганлига, шунингдек, олдинги экстраперитонеал параректал ва кўндаланг-биспинар кесимли радикал-тикловчи амалиётлардан олинган маълумотлар маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бел ва бел-думғаза умуртқаларининг силида радикал тикловчи амалиётларда олдинги экстраперитонеал параректал ва кўндаланг-биспинар кесимли амалиётларнинг қўлланилиши амалиётдан кейинги узоқлашган муддатларда кузатиладиган кечикан оғриқларнинг бўлмаслиги, пастки муччаларнинг камқувватлиги ва неврологик асоратлар кузатилмаслиги билан изоҳланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти бел ва бел-думғаза умуртқалари силини асоратланган шакллари жарроҳлик усулида даволашда олдинги экстраперитонеал параректал ва кўндаланг-биспинар кесимли амалиётларни ва тақдим этилган медикоэмоционал реабилитация алгоритмини қўллаш, беморларнинг касалхонада бўлиш муддатини, асоратларни, даволаниш харажатларини қисқартириши, реабилитация даврини ҳамда ногиронликни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бел ва бел-думғаза умуртқалари силини хирургик даволашда олдинги экстраперитонеал кириш йўллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умуртқа поғонаси бел ва бел-думғаза соҳасининг сил касаллигини радикал тикловчи амалиётларида олдинги экстраперитонеал кесимли амалиётларнинг самарадорлиги бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза соҳасининг сил касаллигини радикал тикловчи амалиётларида олдинги экстраперитонеал кесимли амалиётларнинг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 4 июлдаги 8н-з/351-сонли маълумотномаси). Мазкур натижалар бел ва бел-думғаза умуртқалари силини даволашда жарроҳлик услубларининг самарадорлигини оширишга имкон берган;

умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза умуртқалари силини жарроҳлик усулида даволашда олдинги экстраперитонеал кириш услубларининг қўлланилишидан олинган илмий натижалар Бухоро, Андижон, Навоий ва Қашқадарё вилоятлардаги фтизиатрия ва пульмонология марказларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 декабрдаги 08-40778-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар бел ва бел-думғаза умуртқалари силини жарроҳлик усулида даволашнинг самарадорлигини оширган,

беморларнинг реабилитация даврини ва ногиронлик даражасини камайтиришга, беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза умуртқалари силлини ташхислаш ва даволашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида бел ва бел-думғаза умуртқаларининг сили билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси бўйича илмий маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётлар, кўшимча ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар, сил спондилитни ташхислаш ва даволашнинг ҳозирги ҳолати ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот услубларининг клиник тавсифи**» номли иккинчи бобида клиник материал ва амалий тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот 192 беморнинг текширув маълумотларига асосланади, улардан 26(13,5%) беморга олд-ёнбош кириш ёрдамида анъанавий-классик усулда РТА ўтказилди ва 166(86,5%) беморларда олд ва олдинги кўндаланг кесим (*linea bispinatum* бўйлаб) ёрдамида замонавий жарроҳлик услубида даволанган. 2016-2020 йиллар давомида барча беморлар Бухоро вилояти фтизиатрия ва пулмонология марказида даволанди.

Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Жинси	Беморлар сони	19–29 ёш	30–39 ёш	40–49 лет	50–59 Ёш	60–69 ёш	70 ёш ва катталар
Эркак	78 (40,6%)	6 (7,7%)	11 (14,1%)	14 (17,9%)	26 (33,3%)	16 (20,5%)	5 (6,4%)
Аёл	114 (59,4%)	3 (2,6%)	20 (17,5%)	30 (26,3%)	38 (33,3%)	18 (15,8%)	5 (4,4%)
Жами:	192 (100%)	9 (4,7%)	31 (16,1%)	43 (22,4%)	65 (33,9%)	34 (17,7%)	10 (5,2%)

Изох: $\chi^2 = 8,8$; $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида χ^2 нинг критик қиймати 9,488 га тенг. Фактор ва ишлаш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмас, аҳамият даражаси $p > 0,05$; $p = 0,066$.

Беморларнинг ёши 19 дан 82 ёшгача, ўртача ёши $50,7 \pm 3,9$ ёшни ташкил этди. 1-жадвалда аёллар эркакларга қараганда, 1,5 баробар кўп эканлиги кўрсатилган бўлиб, 60 ёшдан ошганлар - 5,2% ва бир ҳолатда - 82 ёш. Жарроҳлик муолажаси энг кўп 50-59 ёшдагилар - 33,9% ҳолларда бажарилган. Шунини таъкидлаш керакки, энг кўп касалланиш қишлоқ аҳолиси - 92,7% ҳолларда учраган.

Сил касаллиги жараёнининг жойлашуви

Жараён жойлашуви	Беморлар сони
Бел VL1-3	2 (1,0%)
Бел VL2-3	4 (2,1%)
Бел VL2-3 ва бел-думғаза VL5-S1*	3 (1,6%)
Бел VL2-5	3 (1,6%)
Бел VL2-4	6 (3,1%)
Бел VL3-4	25 (13,0%)
Бел VL3-5	18 (9,4%)
Бел VL4-5	53 (27,6%)
Бел VL4-5, VL5-VS1*	21 (10,9%)
Бел VL3-4-5 ва бел-думғаза VL5-S1*	7 (3,7%)
Бел -думғаза VL5-S1	49 (25,5%)
Бел VL3-4 ва кўкрак VTh11-12*	1 (0,5%)
Жами:	192 (100%)

Изох: * – икки томонлама жараён. $\chi^2 = 8,062$; $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида χ^2 нинг критик қиймати 14,067; омил ва натижавий белгилар ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятга эга эмас, муҳимлик даражаси $p > 0,05$.

Кўпгина беморларда сил касаллигининг жойлашуви умуртқа поғонасининг бита сегментида - 160 (79,3%), билокал жараёнлар эса 32 (19,2%) ҳолатда кузатилди. 2-жадвал шунини кўрсатадики, умуртқа поғонасининг сил жараёнларининг кўп учраган жойлашуви бел VL4-5

умуртқаларида - 53(27,6%), бел умуртқасининг юқори бўлимларида эса камроқ зарарланиш - 6(3,1%) беморда қайд этилган. 192 бемордан 165(85,9%) беморда касаллик биринчи марта аниқланган ва 27(14,1%) ҳолатда эса, илгари даволанган -иккиламчи ҳолатда учраган.

2 та умуртқа танасининг зарарланиши кўпроқ учраганлиги кўринади - 127 (66,2%) та, 3 та умуртқа танасининг- 35 (18,2%) , 3 дан ортиқ умуртқа танасининг - 26 (13,5%) ҳолатда ва кам ҳолларда 1 та умуртқа танасининг алоҳида зарарланиши - 4 (2,1%) беморда аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, касаллик 82,8% ҳолларда умуртқанинг остеолизи билан кўпроқ учради ва 17,2% да зарарланган умуртқанинг патологик синиши, 18,3% да эса, умуртқа поғонасининг антелолистези ёки ретролистези кузатилди.

Силнинг генерализациялашган шакллари 11 ($5,7 \pm 2,3\%$) ҳолатда бўлган, улардан 5(45,5%) тасида нафас аъзоларининг фаол сил касаллиги билан умуртқа поғонасининг шикастланиши, 6 тасида (54,5%) бошқа органларда сил касаллиги аниқланган.

Сил микобактерияси (СМБ) - 1 (0,5%) беморда ҳам балғам, ҳам сийдикда аниқланган. 117 ($60,9 \pm 2,6\%$) беморда касаллик 1 йилдан ортиқ вақт давомида секин ривожланган, умуртқа поғонасида оғриқнинг характерли кучайиши, ҳароратнинг камдан-кам ҳолларда субфебрилгача кўтарилиши, баъзан чуқур радикуляр бузилишлар кўшилиши кузатилган. Касалликнинг 6 ой ичида ривожланиши, умуртқа поғонасида оғриқ, субфебрил ҳарорат ва кечки пайтларда терлаш билан кечадиган ўткир ости кечиши - 57 ($29,7 \pm 3,3\%$) беморда, 18 ($9,4 \pm 2,6\%$) беморда эса касаллик клиник кечиши ўткир суръатда, ҳароратнинг $38,0^{\circ}$ С дан юқори кўтарилиши, кучли интоксикация белгилари, умумий вазнининг 10% дан кўпроғини йўқотиш, кучли ўсиб бораётган оғриқ белгиси, орқа мия дисфункцияси кузатилган. Шу билан бирга, умуртқа поғонасининг чуқур деструкцияси ва ностабиллиги-бекарорлиги қайд этилган, 99 (51,6%) ҳолатда эпидурал, пара- ва превертебрал абсцесслар аниқланган.

Беморларга якуний ташхис қўйиш шикоятларнинг бошланишидан 3-4 ойдан 10 йилгача, ўртача $13,1 \pm 1,1$ ойни ташкил этди.

Тана ҳароратининг кўтарилиши ва терлаш 103 ($53,7 \pm 1,8\%$), зарарланган соҳадаги оғриқ ва иррадиацияси – барча беморда, вазн йўқотиш - 84 ($43,8\% \pm 1,2\%$), ҳаракат пайтида оғриқнинг кучайиши - 183 ($95,3\% \pm 4,7\%$), пастки парапарез, бузилган пай рефлекслари, мушаклар гипотрофияси - 24 ($12,5 \pm 3,5\%$) беморда кузатилди.

Барча беморлар умумий клиник усуллар билан текширилди: антропометрик, палпация, перкуссия, органлар аускультацияси, ортопедик ва неврологик усуллар. Патологик белгилар, нормал рефлексларнинг ўзгариши, анатомик хусусиятлар, абсцессларнинг тарқалиш йўллари ва жойи (учбурчаклар Петите, ёнбош, думба, ички сон, тизза орти чуқурчаси, мушакларнинг тортишиши ва бошқалар) диққат билан текширилди.

148 (77,1%) ҳолатда ёндош келадиган касалликлар сурункали бронхит - 47 (31,8%), анемия - 60 (40,5%), юрак-қон томир касалликлари - 21 (14,2%),

гепатобилиар тизим касалликлари - 8 (5,4%, сийдик-таносил аъзолари - 5 (3,4%) ва қандли диабет - 7 (4,7%) беморда қайд этилди.

Неврологик бузилишларнинг оғирлик даражаси Н.L.Frankel ва бошқалар (1969) томонидан таклиф қилинган, А.Ю.Мушкин ва бошқалар (1998) томонидан тўлдирилган шкала асосида баҳоланди.

3-жадвал

Неврологик ҳолатни баҳолаш

Даража	Беморлар сони	Клиник белгилар
А	-	Зарарланган соҳадан пастда анестезия ва плегия аниқланади.
В	-	Зарарланган соҳадан пастда сезишнинг нотўлиқ бузилиши аниқланади ва ҳаракат бўлмайди.
С	-	Зарарланган соҳадан пастда нотўлиқ сезги ва суст ҳаракатлар кузатилади, аммо бемор юра олмайди.
Д	92 (47,9%)	Зарарланган соҳадан пастда нотўлиқ сезги ва ҳаракатлар кузатилади, аммо бемор бошқалар ёрдамида юради.
Е	17 (8,8%)	Беморларда сезги ва ҳаракат нормада, рефлекслар ўзгарган бўлиши мумкин.
Р	83 (43,2%)	Илдизли синдром белгилари билан.

3-жадвал таҳлилида 91,1% беморлар орқа мия етишмовчилиги ёки кучли радикуляр оғриқ синдроми ва меҳнат қобилиятини йўқотганлиги билан қабул қилинганлигини кўринади.

Беморларнинг асосий шикоятлари оғриқ бўлиб, шифокорларга мурожаат қилишга сабаб бўлган. Оғриқ синдромининг интенсивлиги F.Denis (Denis F., Devis S. et all., 1988) усули бўйича балл билан баҳоланди: 0 балл - оғриқ синдроми йўқ – 0 та; 1 балл - оғриқ қолдирувчи воситаларни талаб қилмайдиган ўртача оғриқ - 9 (4,7%)та; 2 балл – НЯҚП (ностероид яллиғланишга қарши препаратлар) гуруҳидан оғриқ қолдирувчи воситаларни даврий қабул қилишни талаб қиладиган интенсивлиги ўртача оғриқ - 34(17,7%) та; 3 балл - НЯҚП гуруҳидан оғриқ қолдирувчи воситалардан доимий фойдаланишни талаб қиладиган оғриқ - 149(77,6%) ҳолатда; 4 балл – наркотик дори воситаларини қўллашни талаб қиладиган оғриқ - кузатилмади. Тадқиқотда оғриқ синдроми НЯҚПларни қўллаш билан, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилмасдан тўхтатилди. Наркотик моддалар фақат реанимация бўлимида операциядан кейинги биринчи кунида буюрилган.

Бактериологик текширувда 89(46,3%) беморларда сил микобактерияларининг Рифампицинга сезгир шакли аниқланган, 53,7%ида аниқланмаган.

Беморларга стандарт, консерватив терапия + жарроҳлик даволаш + патогенетик даволаш билан ортопедик режимга қатъий риоя қилиш бўйича даволаш буюрилди.

4-жадвал

Беморларни босқичлар бўйича тақсимлаш (П.Г. Корнев таснифи)

Касаллик босқичи		Беморлар сони	%
Преспондилитик босқич		0	0
Спондилитик босқич	Бошланиш даври	4	2,1±2,9
	Қўзғалган даври	98	51,0±4,4
	Тинчланган даври	84	43,7±2,3
Постспондилитик босқич, торпид кечиши		6	3,1±1,4
Жами:		192	100%

Беморларнинг 91,1%и умуртқаларида чуқур неврологик бузилишлар, 31,7%и умуртқа поғонасининг 2 дан ортиқ танасининг чуқур деструкцияси ва 51,6% ҳолларда йирик абсцесслар билан клиникага ётқизилган. Беморларнинг босқичлар бўйича тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган бўлиб, бу бизнинг кузатишларимизнинг преспондилитик босқичида беморларнинг йўқлигини кўрсатади ва спондилитик босқичида, бошланғич даврда - 2,1% беморлар бўлган, шуни таъкидлаш керакки, 97,9% ҳолатларда касаллик кечиккан босқичларда бўлган.

Барча беморлар операциядан олдинги ва кейинги даврда комплекс консерватив терапия олдилар. Бизнинг кузатишларимизда сил касаллигининг сезгир шакллари мавжуд бўлиб, улар учун силга қарши кимётерапия силга қарши дориларнинг биринчи қаторидан иборат комплекс таблетка беморнинг вазнига қараб 55 кг гача – 3 та, 56 дан 70 кг гача – 4 та ва 70 кг дан ортиқ беморларга 5 таблетка буюрилди - Н75R150Z400E275 (изониазид-Н, рифампитсин-Р, пиразинамид-З, этанбутол -Е). Операциядан олдин силга қарши кимётерапия муддати 1,5 ҳафтадан 1,5 ойгача, ўртача 20 кунни ташкил этди, бу маълум даражада морфологик кўринишга таъсир кўрсатди ва олигобациляр ҳолатга олиб келади. Силга қарши терапиянинг давомийлиги 6 ой давом эттирилди. Беморларда силга қарши дори-дармонларни қабул қилишда ножўя таъсирлар беморларнинг 4,5 фоизида токсик-аллергик ва артралгия кўринишида кузатилди. Бундай беморлар биринчи қатор дори воситалари билан индивидуал тарзда даволанишди. Антибактериал терапия ортопедик режим, патогенетик ва симптоматик терапия фонида комплекс тарзда амалга оширилди. Силга қарши дориларнинг токсиклиги ва ножўя таъсирини камайтириш учун қуйидаги даво амалга оширилди: витаминли терапия (В1 5% - 2,0; В6 5% - 2,0; С 5% - 10,0), кардио-гепатопротекторлар (рибоксин 2% - 10,0; Пирацетам 20% - 10,0; эссенциал 10,0 в/и га 10 кун давомида), остеотроп даво (кальций препаратлари: кальций хлорид 10% - 10,0 ёки кальций глюконат 10% - 10,0 в/и га; кальций Д3 никомед таблетка) аминокислоталар берилди. Ортопедик терапия қуйидагилардан иборат эди:

биринчи кундан беморларга клиникага тушган пайдан бошлаб ортопедик ётоқ тартиби буюрилди, бу операциягача давом эттирилди. Аутосукли спондилодезлашда РТА(радикал тикловчи амалиёт) дан кейин беморлар 2 ойгача қаттиқ ётоқ тартибида бўлиши керак.

5-жадвал

Бел ва бел-думғаза умуртқалари силида ўтказилган жарроҳлик амалиётлари


Олдинги кесимли экстраперитонеал ёндошувли РТА			Ёнбош кесимли экстраперитонеал ёндошувли РТА		
Жами	Спондилодез титан тўрли кейж ёрдамида	Спондилодез аутосуяк билан	Жами	Спондилодез титан тўрли кейж ёрдамида	Спондилодез аутосуяк билан
166 86,5%	156 81,2%	10 5,2%	26 13,5%	14 7,3%	12 6,3%
жами: 192 (100%)					

Изох: *P>0,05.

РТА қорин олд девори орқали экстраперитонеал кириш параректал кесим билан чап томонда - 133(69,3%), ўнгда - 4 (2,1%) та, олдинги кўндаланг (*lin. bispinarum*) кесим билан - 29 (15,1%) беморда амалга оширилди. 26 (13,5%) ҳолатда ташқи ва ички қийшиқ (*m. obliquus externus at internus abdominis*), кўндаланг қорин мушаклари (*m. transverses abdominis*), катта ва кичик бел мушакларининг (*m.psoas major at minor*) қисман шикастланиши билан ёнбош экстраперитонеал ёндашувли РТА амалга оширилди. ТС билан мураккаблашган жарроҳлик аралашувнинг радикал табиати муайян жараённинг табиати, курси ва тарқалишига боғлиқ. Йирингли-некротик массаларни олиб ташлаш, умуртқа таналарни соғлом тўқималаргача резекция қилиш ва кўрсатмаларга кўра, орқа мия ёки орқа мия илдизларини декомпрессия қилиш амалга оширилди. Операциянинг якуний босқичида умуртқа поғонасини юк кўтариш қобилияти тикланади.

«Бел ва бел-думғаза умуртқаларининг силени комплекс даволашда анъанавий олд-ёнбош кесимларни қўллаб, бажарилган РТА ларнинг натижалари» деб номланган учинчи бобида анъанавий ёнбош кириш усулидан фойдаланган ҳолда жарроҳлик амалиётларини ўтказган бел ва бел-думғаза умуртқаси сили билан оғриган 26 нафар беморнинг текширув маълумотлари таҳлил қилинди. 22(84,6%) беморда РТА бел умуртқаларида, 4(15,4%) тасида эса, бел-думғаза умуртқаларида ўтказилди. Улардан 14(53,8%) беморда титанли тўр кейж (Piramesh) ёрдамида зарарланган сегментнинг пластикаси ўтказилди ва 12(46,2%) беморда анъанавий-классик усул билан аутосуяк билан пластика амалга оширилди.

Ўртача 1 ойлик тайёргарлик ва силга қарши терапиядан сўнг умуртқа поғонасида РТА ўтказилди.



1-расм. бел ва бел-думғаза умуртқа поғонасининг олд-ёнбош жарроҳлик ёндашувларининг схемаси ва кўриниши (А ва Б), операциянинг якуний кўриниши (С - умуртқа суяк пластика, э - титан тўрли цилиндрсимон кейж билан пластика).

Операцияларнинг самарадорлиги операциядан кейинги эрта (30 кунгача) ва кечки даврда (6 ойдан 8 йилгача) ўрганилди. РТА натижалари шуни кўрсатдики, жарроҳлик усулларининг афзалликлари ва камчиликлари умуртқа поғонасининг операция қилинган сегменти ва қорин деворининг олд-ёнбош соҳаси анатомик хусусиятларига боғлиқ.

Жарроҳлик амалиётидан сўнг РТА натижалари неврологик бузилишлар ва оғриқ синдромининг оғирлигига кўра, таҳлил қилинди.

Операциялардан кейин А, В, С, D даражали неврологик белгилар бўлган беморлар кузатилмаган. Е даражаси - бир ойгача - 9 (34,6%) беморда, бир йилгача - 4 (15,4%), бир йилдан ортиқ - 3 (11,5%) ҳолатда кузатилди. R даражаси - РТАдан кейин бир ойгача - 4 (15,4%) беморда, бир йилгача - 3 (11,5%), бир йилдан ортиқ - 2 (7,7%) беморда қайд этилган.

Операциядан кейинги биринчи кундаги оғриқ синдромининг интенсивлиги барча беморларда 4 баллни ташкил этди, оғриқ синдромининг давомийлиги ва бир ойгача интенсивлиги: 0 ва 4 балл - қайд этилмади, 1 балл - 9 (34,6%) та, 2 балл - 15 (57,7%) та, 3 балл - 2 (7,7%) та; бир йилгача: 0 балл - 18 (69,2%), 1 балл - 5 (19,2%), 2 балл - 2 (7,7%), 3 балл - 1 (3,9%) , 4 балл - қайд этилмаган ; бир йилдан ортиқ муддат билан: 0 балл - 22 (84,6%), 1 балл - 3 (11,5%), 2 балл - 1 (3,9%), 3 ва 4 балл - кузатилмади.

Қориннинг олд-ёнбош девори кўп сонли мускуллар, фасция, йирик асосий қон томирлари ва иннервация қилувчи нервларнинг кенг тармоғидан (*m. obliquus externus abdominis*, *m. obliquus internus abdominis*, *m. transverses abdominis*, фасциялар ва а., в. et n. XII *intercostalis*). Умуртқа поғонасининг олдинги юзасига бориш учун олд-ёнбош ёндашувлардан фойдаланилганда мушаклар, нервлар ва қон томирларининг шикастланиши кузатилиши мумкин.

Қорин орти бўшлиғининг орқа ён девори белнинг квадратсимон мускули (*m. quadratus lumborum*), бел соҳасининг латерал юзаларида эса катта ва кичик бел мускуллари (*m. psoas major and minor*) билан қопланган ва умуртқа поғонасининг бел-думғаза соҳаси бел-думғаза мушаги (*m. Psoas*) билан ўралган ва бу мушаклар ичида нерв илдизлари ва қон томирлари жойлашган. Ретроперитонеал бўшлиқни очгандан сўнг, умуртқа поғонасининг латерал томонини топиш жараёнида катта ва кичик бел, баъзан квадрат мушак, нерв ва қон томирлари зарарланиши мумкин. Ушбу жарроҳлик усулининг асосий камчиликлари кўп ҳолларда юмшоқ тўқималарнинг, шунингдек, мушаклар, томирлар ва нервларнинг шикастланишидир. Операция қилинган 9 (34,6%) беморда асоратлар

кузатилди. Олд-ёнбош ёндашувларнинг асосий камчиликлари терининг 20 см дан катта катта кесилади ва қуйидаги операциядан кейинги асоратлар кузатилади: олд девор мушакларининг пролапсиси - 3(11,5%), операциядан кейинги чурра - 2(7,7%), жарроҳлик кесмаси остидаги тери соҳасида дискомфорт ва сезгирликнинг бузилиши - 9 (34,6%), псоит - 4 (15,4%), мушакларнинг кучсизлиги ва оёқларда оғриқ - 6 (23,1%) беморда аниқланди. 2 (7,7%) беморда қорин парда шикастланиши кўринишидаги амалиёт вақтида асоратлар кузатилди.

Шуни таъкидлаш керакки, олд-ёнбош кесимли ёндошувларда бел-думғаза VL5 ва VS1 соҳаси анатомик жиҳатдан оғир ва мураккаб тузилган бўлиб, амалиёт ўтказиш ва VL5 ва VS1 умуртқаларига бориш техник жиҳатдан қийин ишдир ҳисобланади. Ушбу соҳадаги операцияларда умумий ёнбош веналарининг шикастланиши кузатилиши мумкин, бу эса умуртқа поғонасининг ёнбош соҳаларини аниқлашни қийинлаштиради.

«Бел ва бел-думғаза умуртқаларининг сил билан оғриган беморларда олдинги экстраперитонеал ёндашувларли РТА ни бажаргандаги самарадорлик» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот олдинги экстраперитонеал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда жарроҳлик амалиётини ўтказган бел ва бел-думғаза умуртқалари сили билан касалланган 166 нафар беморни текшириш маълумотларига асосланган. 93 (56,0%) беморда бел умуртқаларида, 73 (44,0%) беморда бел-думғаза умуртқаларида радикал реконструктив жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Улардан 156 (94,0%) ҳолатда титан тўрсимон кейж (Piramesh) ёрдамида умуртқа поғонаси спондилодези, 10 (6,0%) беморда анъанавий классик усулда чап ёнбош қанотидан олинган аутосуяк билан амалга оширилди.

137 (82,5%) ҳолатда бел ва бел-думғаза умуртқалари РТА олдинги параректал ёндашув ёрдамида амалга оширилди.

Бел VL3, 4, 5 ва бел-думғаза VL5-VS1 умуртқаларида жарён кўпроқ - 125 (91,2%) беморларда учраганлиги 9-жадвал кўрсатилган. Умуртқа поғонаси сегментларининг билокал спондилодезланиши - 26 (19,0%) ҳолатда амалга оширилди.


Ўртача 2 ҳафталик силга қарши даводан сўнг сўнг, беморларда олдинги параректал ёндашувлар ёрдамида РТА ўтказилди. 137 бемордан 129 (94,2%) ҳолатда РТА титан тўрли кейж (Piramesh) ёрдамида, 8 (5,8%) ҳолатда эса анъанавий классик усулда суякларнинг аутосуяк пластикаси билан амалга оширилди. Неврологик симптомларнинг оғирлиги операциядан олдин Н.Л. Frankel (1969) ва А.Ю. Мушкин ва бошқалар (1998) шкаласи ёрдамида қуйидагича баҳоланди:

- А, Б, С даражалар билан - беморлар кузатилмади;
- D даражаси - 72 (52,5%) беморда;
- E даражаси - 12 (8,8%) беморда;
- R даражаси - 53 (38,7%) беморларда кузатилди

F.Denis усули бўйича оғриқ синдромининг интенсивлик даражаси амалиётдан олдинги даврда қуйидагича бўлди: 0 балл - йўқ, 1 балл - 4


(2,9%), 2 балл - 27 (19,7%), 3 балл - 106 (77,4%), 4 балл – беморлар кузатилмади

Операцияларнинг самарадорлиги операциядан кейинги эрта (30 кунгача) ва кечки даврларда (6 ойдан 4 йилгача) ўрганилди. РТА натижалари, жарроҳлик усулларининг афзалликлари ва камчиликлари қорин олд деворининг анатомик хусусиятларига ва умуртқа поғонасининг операция қилинган сегментига боғлиқ.



2-расм. Бел ва бел-думғаза умуртқалари операциялари пайтида терининг кесилиши чизиғи (VL 2, 3, 4, 5 ва VS1, 2).

VL2-5 ва VS1 умуртқаларининг операциялари пайтида терининг кесилиши қорин тўғри мушакнинг ташқи четидан 10-12 см, қориннинг оқ чизиғидан 2-3 см латерал ва операция қилинган сегментга қараб пастроқ ёки юқороқ ва киндик тўғрисида кесилади. Тери ва тери ости тўқималари кесилгандан сўнг, қорин тўғри ичак мушагининг олд деворининг апоневрози аниқланади, у ўткир шаклда очилади, шундан сўнг тўғри мушак аниқланади ва медиал томонга тортилади, тўғри мушак қинининг орқа девори аниқланади ва мушакнинг латерал четидан 1 см узоқ масофада эҳтиёткорлик билан скалпел билан кесилади, ҳамда қорин парда тўмтоқ усулда кўндаланг фасиядан ажратилади.




- А - мушаклар апоневрози
- Б - тўғри мушак
- С - мушак апоневрози
- Д - кўндаланг мушак
- Э - ички қийшиқ мушак
- Г – ташқи қийшиқ мушак

3-расм. Қорин олд деворининг анатомик тузилиши (мушак ва фасия).

Қорин парда ажратилгандан сўнг қорин парда орти ёғ клетчаткаси туффер ёки бармоқлар ёрдамида ажратилади, катта ва кичик бел мускуллари (m. psoas major and minor) ва сийдик чиқариш найи топилади. Аорта ва ёнбош артерияларининг пульсацияси ҳам аниқланади, сийдик йўллари ва қорин парда билан аорта умуртқа поғонасининг олдинги бўйлама бойламидан (Lig. longitudinale anterior) ажратилади. Шундан сўнг, умуртқа поғонаси таналарининг олд томони бешинчи умуртқа поғонаси таналарининг сўнгги пластинкасигача топилади ва сегментар артерия ва томирлар коагулятсия қилинади. Йирингли-некротик тўқималар олиб ташланади, кўрсатмаларга


мувофиқ умуртқа поғонасининг зарарланган таналарини радикал резекция қилиш ва нерв илдизларини декомпрессия қилиш амалга оширилади. Шундан сўнг, титан тўрли цилиндрсимон кейж ёки автосуяк билан умуртқа спондилодези амалга оширилади. Бешинчи бел умуртқаси танасининг операцияи пайтида таналарни ажратишда биров қийинчиликларга дуч келинади, чунки аортанинг бифуркацияси ва пастки ковак вена шу анатомик соҳада жойлашган ва умуртқа танаси бутунлай ёнбош томирлари билан қопланган. Ёнбош венасини ажратишда сезиларли қийинчиликларга дуч келинади, кўтарилувчи бел венасини боғлашдан сўнг, умумий ёнбош венаси осонгина очилади ва умуртқа танасига кириш мумкин.



- А - қорин аортаси;
- Б - пастки кава вена;
- Б - сийдик чиқариш найи;
- Д - чап умумий ёнбош артерияси ва венаси;
- Е- сакрал артерия ва вена.

4-расм. Ретроперитонеал бўшлиқнинг қон томирлари умуртқа поғонасининг бел ва бел-думғаза соҳасининг бутун узунлиги бўйич қоплаши.

